



**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО
ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ**



**ИСЛОМ ТАРИХИ, МАДАНИЯТИ ВА
САЊАТИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ МАРКАЗИ**



«МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ: ЎТМИШ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН»

**II ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ**



“МУХТАСАРУЛ ВИҚОЯ” АСАРИНИНГ ТУРКИЙ ҚЎЛЁЗМАЛАРИ

Неъматулло Насруллаев

ЎзХИА “Ислом тарихи ва манбашунослиги IRCICA”

кафедраси доц. в.б., т.ф.н.

Убайдуллоҳ ибн Масъуд Тожуш шариа ал-Бухорий (ваф. 747/1346) Туркистонлик уламолар оиласига мансуб. Ота тарафдан бобоси “Тожуш шариа” Умар; Она томондан бобоси, “Бурхонуш шариа” Масъуддир. Садруш шариатул аввал – Аҳмад ибн Убайдуллоҳ ҳам она ҳам ота томонидан дадасидир. Дадаси ўзи учун ёзган “Викоя” китобининг маъноларини очиб, унга “Никоя” номини берган¹.

Муаллиф Бухородан етишиб чиққан машҳур факиҳлардан бири ҳисобланади². Кафавий (ваф. 990/1582)нинг айтишига қараганда, бу асар “Ал-Ҳидоя”, “Ал-Фатаво”, “Ал-Воқеот” масалаларидан танлаб ёзилган. Муаллиф Маҳмуд ибн Аҳмад Маҳбубий невараси Убайдуллоҳ ибн Масъуд Маҳбубий учун оз-оздан ёзар, невараси эса, ҳар бир ёзилган қисмни ёд олар эди. Китоб тугуганда эса, бўлажак олим асар матнини тўлиқ ёд олишга эришган. Бу ҳақда Убайдуллоҳ ибн Масъуд Маҳбубий ушбу асарга ёзган “Шарҳул Викоя” асарида бундай дейди: Бу бобом ва биринчи устозим Маҳмуд ибн Садруш шариа менинг ёдлашим учун ёзган “Викоятур-ривоя фий масоилул Ҳидоя” (Ҳидоя масалаларида ривоятларни асровчи) асарининг ёпиқ ўринларини очиш бўйича ёзилган шарҳдир. Бобом уни бир сабоқ - бир сабоқ қилиб ёзар, мен эса ёдлаш майдонида бир чопиш - бир чопиш қилиб ўзлаштирар эдим. Ҳатто китоб ёзилишининг тугаши билан менинг ёд олишим бир вақтга тўғри келди...³.

“Мухтасарул Викоя” матни фикҳий матн китоблари ичида ўзининг қисқалиги, мўъжазлиги билан ажралиб тургани учун “Мухтасарул Викоя” номи билан танилган. Асар матни кўп ҳолларда “Ан-Никоя” (“Ан-Нуқоя”, “Никоятур ривоя”, “Никоятул Викоя”) номлари билан ҳам учрайди.

Абдулҳай Лакнавийнинг берган маълумотига кўра: “Убайдуллоҳ ибн Масъуд “Мухтасарул Викоя” асарининг муаллифи сифатида илмнинг барча томонларини қабул қилган имом, шариат қонунларининг соқчиси, ақлий ва фаръий муаммолар устоди ва қасқартирувчиси, ақлий ва нақлий фанлар олими, фикҳ, усули фикҳ билимдони, мантикий, муҳаддис, муфасссир, тилшунос, мутакаллим, адиб, улуг кадр манзилат ва юксак мақом эгаси, илму адаб билан тўлиб тошган, мажду азамадни ота-боболаридан мерос қилиб олган зот эди”, деб таърифлайди.

¹ Ekrem Bugra Ekinci. *Islam Hukuku Tarihi*. – Istanbul: Ari Sanat Yayınevi, 2015. 2. Baskı. – S. 191.

² Ahmet Ozel. *Hanefi Fikh Alimleri*. *Türkiye Diyanet Vakfı Yayınları*, 2006. 2. Baskı. – S. 80.

³ Убайдуллоҳ ибн Масъуд ибн Тожуш шариа. Шарҳул викоя маъа умдатир ривоя. – Лакнау: “Юсуфий”, 1327. – Б. 50.

Муаллиф ўз мухтасарининг мукаддима қисмида: “Кимки “Ал-Ҳидоя” масалаларини ўзида ҳозир бўлишини яхши кўрса, унга “Ал-Викоя”ни ёд олиш лозим бўлади. Кимники вақт шошилтирса, диққат эътибор тизгинини ушбу “Мухтасар”ни ёд олишга бурсин”¹.

Ҳанафий мазҳабида “Ал-Ҳидоя”, “Мухтасарул Қудурий”, “Викоятур ривоя” ва шу асосда яратилган “Мухтасарул Викоя”, “Канзуд дақоик”, “Ал-Мухтор”, “Мажмаул баҳрайн” ва “Мултакили абхур” асарлари мўътабар ва эътимодли матнлар ҳисоблангани учун бу матнларга битилган шарҳлар ҳам жуда кўпчилиқни ташкил этади. Бу матнлар орасида сўзсиз “Мухтасарул Викоя” асарига ёзилган шарҳлар ҳам мавжуд.

“Мухтасарул Викоя” асрлар давомида мадрасаларда дарслик сифатида ўқитилиб келинган. Унга нисбатан давр фақиҳларнинг эътибори юксак даражада бўлган. Шу боисдан унга ўндан ортиқ шарҳлар битилгани ҳақидаги маълумотни беради, “Кашфуз зунун” асари муалифи Ҳожи Халифа. Лекин, охириги олиб борилаётган тадқиқотлар натижасига кўра, асарга ёзилган шарҳларнинг сони бир мунча кўп эканини тасдиқламоқда². Асарнинг энг биринчи шориҳи сифатида муаллифнинг ўзини кўрсатиш мумкин.

Убайдуллоҳ ибн Масъуднинг “Мухтасарул Викоя” асари кўплаб мусулмон мамлакатларида, шунингдек, Ўрта ва Марказий Осиё минтақасида амалда ундан кенг фойдаланиб, мадрасаларда асосий дарсликлардан бири сифатида ўқитилиб келинмоқда. Кучли эҳтиёж сабаб асар матни котиблар томонидан қайта-қайта кўчирилиб, унинг кўплаб нодир қўлёзма нусхалари бугунгача сақланиб қолган.

Ҳозирда биргина Абу Райҳон Беруний номидаги Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти³ қўлёзмалар хазинасида “Мухтасарул Викоя” асарининг бир неча юзлаб матн, шарҳ, ҳошия, таржима нусхалари мавжуд эканини кўрсатди. Улар минтақа ҳудуди ва унга қўшни ўлкаларда кўчирилган қадимий ва ноёб нусхалар ҳисобланади.

ЎЗР ФА ШИ “Асосий” қўлёзма ва тошбосмалар бўлими, шунингдек, институт таркибидаги “Ҳамид Сулаймон” фонди ҳамда, “Дублет”, “Махсус” бўлимларидан “Мухтасарул Викоя” асарининг жами 194 та қўлёзма ва 137 та тошбосма нусхалари топилди. Бугунги кунда фонднинг “Асосий” бўлимида “Мухтасарул Викоя”нинг жами 194 та матн қўлёзма нусхаси сақланади. “Асосий” фонд тошбосмалар орасида “Мухтасарул Викоя” асарининг жами 221 нусхаси мавжуд эканини кўрсатди. “Дублет” фонди қўлёзма китоблар орасида “Мухтасарул Викоя” асарининг турли даврларда кўчирилган жами 137 та нусхаси бор. “Дублет” тошбосма китоблар орасидан асарнинг 92 та нусхаси сақланади. Шунингдек, Ҳамид Сулаймон фондидан ҳам “Мухтасарул Викоя”нинг жами 105 та қўлёзма ва 84 та тошбосма нусхалари мавжуд экани аниқланди. Қўлёзма ва тошбосма нусхалар орасида кўп тарқалгани “Мухтасарул Викоя”нинг матни ҳисобланади.

Ҳозирда ҳанафий олимларининг асарларини ўзбек тилига таржима қилиш ва илмий танқидий матнларини яратиш, уларни нашр этишга бўлган эҳтиёжининг

¹ Убайдуллоҳ ибн Масъуд ибн Тоҳуш шарҳи. Мухтасарул Викоя фий масоилул Ҳидоя. – Қозон: 1911. – Б. 3.

² Илмий изланишлар давомида бугунгача асарга ёзилган шарҳларнинг ўттиздан зиёди аниқланди ва бу кўрсаткич янада ортиб бормоқда.

³ Кейинги ўринларда ЎЗР ФА ШИ тарзида берамиз.

қондирилиши, асл матнларга қизиқиши юқори бўлган ёш авлодга мафкуравий ва маърифий манбалар бўлиб хизмат қилмоқда.

Шулардан келиб чиқиб, “Мухтасарул Виқоя”нинг арабча матни таржималари устида иш олиб бориш анча аввал бошланган дейиш мумкин. Албатта бу асарнинг таржималари дастлаб форс тилида амалга оширилган. Масалан, тошбосма усулидаги мана шундай форсча таржима 1901 йилда Тошкент шаҳридаги О.А.Порцев матбаасида чоп этилган бўлиб, бу китоб домла Шамсий Охунд ибн Ниёз Муҳаммад томонидан Эшон Тиллохўжа илтимосига биноан таржима қилинган.

“Мухтасарул Виқоя”нинг мана шундай таржималари Усмонли турк империяси бошқарувининг Ойдинўғиллари замонида Давлеўгли Юсуф томонидан ҳам назмда чоп этилган¹.

Ўзбекистонда “Мухтасарул Виқоя”нинг ўзбек тилидаги таржимаси мустақилликнинг дастлабки йилларида ўқувчилар қўлига етиб борган эди². Таржимонлар XIX аср охирларида чоп этилган Шаҳобиддин ибн Абдулазизнинг туркий таржимасини таянч манба қилиб олганлар. “Мухтасарул Виқоя” таржимасида таржимон “Намоз китоби”ни фақат бўлимларга ажратиб ёритган³. Унга кўра, Намоз китоби фақат 21 бўлимда ёритиб берилган. Фақиҳ ибни Масъуднинг маҳорати туфайли йирик асар мухтасар ҳолда тушунтирилган. Китобнинг мухтасарлиги намоз бобида ҳам кўзга ташланади. Бурҳониддин ал-Марғинонийнинг “Ҳидоя” асарида намоз масалаларига бағишланган китоби жами 24 боб, 9 фаслдан иборат эди. Бу манба асосида тузилган “Мухтасарул Виқоя” асарида эса, бу тартиб бир оз фарқли кўринишга эга.

“Мухтасарул Виқоя”нинг туркий тилдаги яна бир таржимаси Мақсудхўжа ибн Мансурхўжа томонидан “Мажмаул Мақсуд” номи билан таржима қилиниб, XX асрнинг ўн еттинчи йилларигача “Мажмаул Мақсуд” ёки “Мухтасарул виқояи туркий” номи билан икки марта ва икки жилда нашр этилган. Ушбу китобнинг таржимаси биринчи марта бир жилда 1996 йил “Адолат” нашриёти томонидан босмадан чиқарилди. Муаллиф китобни ўз мухлисларининг илтимос ва талабларига кўра амалга оширганини, туркий тилда шарҳ таржима қилганини эътироф этади. Мақсудхўжа ўз шарҳида эллиқдан зиёд фикхий манбалардан фойдаланиб, муҳим ва керакли бўлган масалаларни кенгрок очиб беришга ҳаракат қилган. Бу асар ҳозирда ўзбек тилига таржимаси бўлган энг обрўли фикх илмига оид манба бўлиб келмоқда.

Марҳум Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ҳазратлари ҳам, “Мухтасарул Виқоя”да келган масалаларни бошқа манбалар билан бойитиб, замонавий китоблардан фойдаланган ҳолда келтиришга ҳаракат қилган⁴. Китоб номи “Кифоя” (Шарҳи “Мухтасарул Виқоя”) деб номланган.

“Назми Мухтасарул Виқоя” номи билан чоп этилган навбатдаги туркий таржима Раҳимхўжа ибн Алихўжа Эшон Шоший томонидан таълиф этилган⁵.

¹ Osman Keskioglu. Fiqh Tarihi ve Islam Hukuku. – Ankara: Ayyıldız Matbaası A.Ş., 1984. – S 105.

² Мухтасар. (Шариат қонунарига қисқача шарҳ). Нашрга тайёрловчилар: Зоҳидов Р, Дехқонов А. – Т.: Чўлпон, 1994. – Б. 5.

³ Ўша китоб, – Б. 20-59.

⁴ Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Кифоя (Шарҳи Мухтасари Виқоя). Ж. I. – Т.: Шарк, 2008. – Б. 63.

⁵ Мухтасар ал-Виқоя фи масоил ал-Ҳидоя лил алломату Садр аш-Шарийа. Назми Мухтасари туркий мин танзимот. Мутаржим: Ахқорул ибод Раҳим Хўжа ибн Али Хўжа Эшон Шоший. Жами 358 бет. Лоҳтин матбааси. Тошкент шаҳри, 1888 йил, 30 июнь. Саҳифалар тўртбурчак рамка ичига олинган. Ўз ўрнида у яна уч қисмга ажратилган. Дастлаб

1251/1835 йили Тошкент шаҳрида таваллуд топган Раҳимхўжа ибн Алихўжа Эшон Шоший ёшлигидан араб, форс тиллари, адабиёти ва тарихига қизиқиб, дастлабки таълимни ўз шаҳрида эгаллаган. Кейин Бухорога бориб, у ердаги мадрасаларнинг бирида таҳсил олган. У ҳаёти давомида тафсир, ҳадис, илми адаб, фикҳ, сарф, наҳв, риёзат ва бошқа илмларни пухта ўрганган. Раҳимхўжа “Хатмий” таҳаллуси билан шеърлар битган. У Тошкент шаҳрининг “Себзор” даҳасида бироз вақт козилик мансабида фаолият юритган.

Диний адабиётлар орасида бадий аҳамият касб этган асарлар камлигини ҳисобга олсак, “Назми Мухтасарул Виқоя” ва бошқа шу руҳдаги асарларни илмий тадқиқ этиш ҳамда уларни ҳозирги ўқувчи тушуна оладиган даражада тақдим этиш ниҳоятда зарур. Бу асар ва унинг муаллифи ҳақидаги дастлабки маълумотлар таниқли манбашунос олим Маҳмуд Ҳасанов томонидан амалга оширилган¹.

Раҳимхўжа Эшон 1901 йили аввал Тошкентда, 1906 йили Самарқандда Масъуд ибн Юсуф Самарқандийнинг форсий тилдаги “Солату Масъудий” асарини ўзбек тилига таржима қилиб нашр эттирган. Ушбу таржима кейинчалик олим вафотидан сўнг яна 1910, 1911, 1917 йиллари Тошкент шаҳридаги матбааларда юзлаб нусхаларда нашр этилган². Раҳимхўжа Эшон Убайдуллоҳ ибн Масъуднинг “Мухтасарул Виқоя” номли арабча фикҳ илмига йўналтириб ёзилган асарини ўзбек тилига назмий йўл билан ўгиришга муваффақ бўлди³.

Таржима 1887 йил уч ой ичида ёзиб тугатилган. Лекин бу таржимадан Раҳимхўжанинг кўнгли тўлмай, матн устида янада чуқурроқ изланишлар олиб бориш кераклигини тушуниб етади⁴. Ниҳоят 54 ёшга етганида саккиз минг байтдан зиёдрок шеърий матн таржимасини тугатади.

Бу туркий назмнинг дастлабки нашри 1888 йилда Тошкент шаҳрида амалга оширилган⁵. Бундан ташқари, бу асар нашри 1890, 1896 йиллардан бошланиб, то 1904 йилга қадар давом этиб турди. Раҳимхўжа ибн Алихўжа Эшон Шоший 1908 йил 73 ёшида вафот этди. Асарнинг кирилл алифбосига ўгирилган табдил нашри аллақачон ўқувчилар қўлига етиб борган⁶.

юқорида асар матни йирик наъзалик хатида берилгани кейин тагидан икки устунга ажратилган ҳолда матннинг туркий таржимаси назм кўринишида сўнг ён томонда матннинг туркий таржимаси келиб, унинг ўрта қисмида тартиб рақамлари учун канверт шаклида жой қолдирилган. Мукова калин картондан ясалиб, сарик, лабагисн эса кизил рангда. Барча саҳифалар бинафша (унинг сарик, оқ, оч кизил ва х.к.з. лари ҳам мавжуд) рангда.

¹ Маҳмуд Ҳасанов. Шарқшунослик. Илмий тўплам. – Т.: Фан, 2013. – Б. 146-150.

² Абдулла Носиров. Тошкент олимлари ва шоирлари. Абу Райхон Беруний номидаги Шарқ кўлэмалар маркази. Кўлэма. Р:13407. III-Жилд. – В. 466.

³ ЎзР ФАШИ. Босма: 12696. Яша мазкур фонднинг – 6104; 10203; 10537; 12696; 12517 каби тартиб рақамлари остида мазкур нусханинг турли йилларда нашр этилган босма китоблари сақланиб келинмоқда.

⁴ Мухтасар ал-Виқоя фи масонл ал-Ҳидоя лил аллома Садр аш-Шариъа. Назми Мухтасари туркий мин танзимот. Ахқорул ибод Раҳим Хўжа ибн Али Хўжа Эшон Шоший. – Тошкент: Лоҳтин, 1888. – 396 б.

⁵ Назми Мухтасари туркий мин танзимот. Ахқорул ибод Раҳим Хўжа ибн Али Хўжа Эшон Шоший. – Тошкент: Лоҳтин, 1888. – 358 б., Назми Мухтасари туркий мин танзимот. Раҳим Хўжа ибн Али Хўжа Эшон Шоший. – Тошкент: В.И. Ильин, 1900. – 408 б.

⁶ Мухтасар ал-Виқоя назми. Нашрга тайёрловчи: Насруллаев Н.Х. – Тошкент: Хилол, 2016. – 287 б.